Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 123 (5714).
30 МАЙ 1985 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МОНГГЦ ГАЗЕТАЛАРДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 29 май куни Кремлда совет раҳбарларининг таклифига биноан СССРга келган Италия Министрлар Советининг Раиси Б. Кракси билан музокаралар олиб борди. Музокараларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико;

Италия томонидан — Ташқи ишлар министри Ж. Андреотти қатнашдилар.

Батафсил ва амалий фикрлашув чоғида энг муҳим халқаро проблемалар ҳамда Совет — Италия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари дикқат марказида турди.

Б. Кракси М. С. Горбачевни Италияга визит билан боришга таклиф этди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди.

* * *

Меҳнаткашларнинг социалистик ўзгартишларни амалга оширишдаги хизматлари, уларнинг Улуғ Ватан урушида ғалабани таъминлашга қўшган ҳиссаси, хўжалик ва маданий қурилишда эришилган муваффақиятлар учун Душанбе шаҳри Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Кеча юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов нутқ сўзлади. У Душанба ва республиканинг барча меҳнаткашларини КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан муносиб мукофот билан астойдил табриклади. КПСС Марказий Комитетининг секретари СССР Олий Совети Президиумининг Душанбани Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди ва қарсаклар остида мукофотни шаҳар байроғига қадаб қўйди.

СССРда ВСР маданияти кунлари

Дўстлик ва қардошлик белгиси остида

СССРда ВСР маданият кунлари кўп томонлама ҳамкорлик, дўстлик ва қардошликнинг ёркин намунаси бўлиб қолди. Қардош мамлакат санъатининг ушбу кўриги Вьетнам Социалистик Республикаси ташкил этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган. Вьетнам халқи тинчлик учун курашчилар билан, социалистик лагерь мамлакатлари билан бир сафда бормоқда. Вьетнам маданият министрининг ўринбосари Динь Куанг бошчилигидаги ВСР делегацияси Ўзбекистон пойтахти билан танишишни давом эттирмоқда. 29 май куни қардош мамлакат вакиллари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар, Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйишди, В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалида бўлишди.

Вьетнамдан келган меҳмонлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, янги қурилишлари билан танишдилар. Улар Ўзбекистон ССР давлат санъат музейида Вьетнам санъат асарларининг бой коллекциясини кўздан кечирдилар.

(ЎзТАГ).

Ҳамкорлик намойиши

Вьетнам Социалистик Республикаси маданияти кунлари бизнинг мамлакатимизда биринчи марта ўтказилмоқда. Бу дўстлик байрамининг кенг мазмунли программаси совет кишиларига манзур бўлди. Буни тадбирларнинг ғоятда катта аҳамият касб этаётганлигидан ҳам англаш мумкин. Концертлар, спектакллар, фильмлар намойиши, кўргазмалар, учрашувлар, кечалар— мамлакатимизда, РСФСРда, шу жумладан Совет Ўзбекистонида ўтказилган бу тадбирлар моҳияти билан қизиқарли бўлди. Шарқ халқлари давлат санъати музейида намойиш этилган «Вьетнам ҳозирги замон тасвирий санъати» кўргазмасини жуда кўп томошабинлар кўришди. Дўстларимиз бизнинг мамлакатимизда олтита кўргазма намойиш этишди.

Қардошларимиз маданияти кунлари Ереван, Кишинёв, Олмаота, Фрунзе шаҳарларида муваффақиятли ўтди. Бу шаҳарларда кўпгина ижодий коллективлар, Ханойдаги опера ва балет театри, социалистик республиканинг таниқли артистлари маҳоратларини муваффақиятли кўрсатишди. Москвадаги «Ханой» кинотеатрида Вьетнам бадиий фильмлари кинофестивали бўлиб ўтмоқда. Унда намойиш этилаётган фильмлар Осиё, Африка ва Лотин Америкаси қитъаларининг Тошкент халқаро кинофестивалида кўрсатилиб, уч қитъа кинематографчилари, журналистлари ва томошабинларининг таҳсинига сазовор бўлган эди.

Қаҳрамон Вьетнамнинг Совет Иттифоқидаги маданияти байрами дўстлик, ўзаро тушунча ва ҳамкорликнинг ёркин намойишидир.

Вьетнам: мамлакат ва одамлар

Вьетнам Социалистик Республикаси ажойиб байрами арафасида китобсеварлар олимлар ва ёзувчиларнинг асарларини, совет муаллифларининг қардош мамлакат ҳақида ҳамкорликда тайёрлаган китобларини кўлга олдилар.

Китобхонлар «Прогресс» нашриётида тайёрланган «Вьетнам: мамлакат ва одамлар» китобини қизиқиш билан кутиб олдилар. Бу нашрда қардош мамлакат, унинг ўтган асрларда ва ҳозирги пайтда фаолият кўрсатган таниқли давлат ва сиёсий арбоблари, мустамлакачилар ва империалистик босқинчиларга қарши олиб борилган курашларнинг қаҳрамонлари, ҳозирги социалистик қурилишнинг илғорлари тўғрисида ранг-баранг маълумотлар жамланган. Бу китобда миллий маданият ва санъат, қадимий обидалар ва диққатга сазовор жойлар ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Китобни Вьетнам ва совет журналистлари ҳамкорликда тайёрлашган. Унда «Вьетнам» журнали, СССР ва ВСРнинг бошқа нашрлари саҳифаларида турли йилларда эълон қилинган мақолалар, очерклар, репортажлар ва лавҳалар ўрин олган. Бу материаллар «Она-Ватанимизга хизмат қиламиз», «Мустақиллик ва озодликдан бўлак бебаҳо куч йўқ», «Меҳнатимиз билан тинчликни барқарор этамиз», «Қудратимиз дўстликда», «Вьетнамга келингиз!» деган номлар остида берилган.

Бу китоб бой безатилган бўлиб, улар Вьетнам ҳақидаги тасаввурни янада кенгайтиришда, вьетнам халқининг халқ хўжалиги ва маданиятининг турли соҳаларида 1945 йил Апрель революцияси туфайли эришаётган ютуқлари тўғрисидаги билимни бойитишда яқиндан ёрдам беради.

Шу йилнинг май ойи бошларида СССР Ёзувчилар союзи ва Вьетнам ёзувчилари союзи секретариатларини и н г қўшма мажлиси совет ва Вьетнам адабиётчилари фаолиятида муҳим воқеа бўлди. Ана шу учрашувда вьетнам делегацияси СССР Ёзувчилари союзи правлениесига вьетнам тилида нашр этилган рус ва совет муаллифларининг асарлари рўйхатини эсдалик сифатида топширди. Ана шу асарларнинг кўпчилиги Тошкентда намойиш этилган вьетнам китоблари кўргазмасидан ўрин олди. Бу экспонатлар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида маданий алоқалар яхши анъанага айланиб бораётганлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

Р. ИГНАТОВА.



СУРАТДА: ВСР делегацияси аъзолари В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиали экспонатлари билан танишмоқдалар.

• *Идеология ва ҳаёт*

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Сергели районидаги 243-граждан авиацияси, Тошкент авиакорхонаси, 3-автокомбинат ва бошқа корхоналарда кишиларни, айниқса ёш авлодни меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш диққат марказида турибди. Уларда совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати энг яхши анъаналари давом эттирилиб, уларнинг янги шаклари ҳам кенг жорий этиляпти. Масалан, «Меҳнатга шоншарафлар», «Ўз касбининг устаси», ишчилар сафига қабул қилиш, коммунистик меҳнат зарбдорларининг слётларини, оммавий коммунистик шанбаликларини ўтказиш анъаналари корхона меҳнат аҳли ёшларини КПСС XXVII съездни ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга илҳомлантиришда муҳим роль ўйнаяпти.

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР

Маълумки, шаҳримизда кейинги йилларда янгича анъана ва урф-одатларни ҳаётга кенг тадбиқ этиш борасида кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Бу иш кўп жойларда изчил план асосида олиб борилаяпти. Сергелидаги «Маданият» маҳалласида 500 дан зиёд оила иститқомат қиладн. Мана, беш йилдирки, бу ерда янгича анъана ва урф-одатларни турмушга тадбиқ этиш бўйича ўн бир кишидан иборат комиссия иш олиб бораяпти. Улар сафида олимлар, маҳалла активлари, маданият ходимлари ва бошқалар бор.

Бу ерда айниқса, янгича тўйларни намуна қилиб ўтказишга эътибор кучаяпти. Маданий-оммавий тадбирларни амалга оширишда активистлар фаоллиги сезилмоқда. Бу ерда янгича анъана ва урф-одатларни жорий этиш бўйича бир неча комиссия тузилиб, улар комплекс тадбирларни амалга оширяпти.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси Германия Демократик Республикасидан мебеллар тайёрлашда қўл келадиган серунум станок олди. Бу ускуна аввалги техника воситаларига нисбатан икки-уч марта кўп иш бажаради, Натижада меҳнат унумдорлиги ошади.

●

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига қарашли манзарали боғдорчилик совхозида теплица майдонларини яна кенгайтиришга киришилди. Совхозга бир гектар майдон қўшилиши натижасида хўжалик 120—150 минг сўм қўшимча даромад оладиган бўлади. Бундан ташқари хўжаликнинг Калинин районидаги участкасида йирик теплица комплексини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Шундай қилиб муаттар исли гуллар «корхона»си қуввати икки марта ошадиган бўлди.

●

Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи биносида Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, қўқонлик наққош Сандаҳмад Маҳмудов ва республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, ёғоч ўймакори Ортиқ Файзуллаев асарлари кўргазмаси очилди. Бадиий ёғоч ўймакори О. Файзуллаевнинг нафосат билан ишланган ўймакорлик буюмлари Туркия, Япония, Чехословакия, Венгрия, Финляндия, Франция, Швейцарияда намойиш этилган.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг зоология ва паразитология институтининг учта лабораторияси ходимлари қизиқарли экспедициядан қайтиб келишди. Орнитологлар баҳор фаслида қушларнинг макон қурадиган жойларини аниқладилар. Ихтиологлар эса Учқизил ва Жанубий Сурхон сув омборларида асл навли балиқларнинг иқлимга мослашишига доир маълумотларни тўпладилар. Гельминтологлар эса Бухоро ва Навоий областларида тоғли ва чўл яйловларида қишлоқ хўжалиги чорвачилиги зараркунандаларининг тарқалишини ўргандилар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 28 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 15—17, эртага кундузи 30—32 даража иссиқ бўлади.

• Ватанпарварлик ташаббуси қулоч ёймоқда

ЗАРБДОР ВАХТАДА

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— ПАРТИЯ АНЖУМАНИГА

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-трестнинг 53-қурилиш бошқармасида меҳнат қилиб келаётган Х. Эрдонов бошлиқ дурадгорлар бригадаси беш йиллик планни муддатидан илгари адо этдилар. Пландаги 660 минг сўмлик ўрнига 872,5 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Ёки бошқача айтганда, бу топшириқ 132 процент уддаланди.

Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида бу илғор бригада мактаб-интернат, турар-жой бинолари ва бир қатор маданий маиший объектларни битказиб берди.

— Бу юксак муваффақиятга, — дейди бригадир Х. Эрдонов, — муттасил меҳнат унумдорлигини ошириб бориш ишбилармонлик режимини кучайтириш туфайли эришдик. Бригадамиз КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб юборди. Съезд шарафига оширилган социалистик мажбурият олдик. Беш йиллик охирига қадар пландан ташқари яна 50 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарамиз.





Муҳим партия ва давлат вазифалари муҳокама этиладиган КПССнинг XXVII съезди очиладиган кун тобора яқинлашмоқда. Коммунистлар, барча меҳнаткашлар съездни яхши меҳнат кўрсаткичлари билан кутиб олишга тараддуд кўришяпти. Улар 1985 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини ортиғи билан адо этишга аҳд қилишган.

Ишлаб чиқариш илғорларининг «КПСС XXVII съездига —27 зарбдор ўн кунлик» ташаббусини ялқдиллик билан қўллаб-қувватлаган Тошкент меҳнаткашлари иш суръатини тобора ошира бориб, мавжуд резервлардан янада тўлароқ фойдаланишга интилмоқдалар.

Ишлаб чиқариш соҳасида область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати С. Егоров «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида катта ҳурмат-эътибор қозонган. У смена топшириқларини мунтазам 20— 30 процентга ортиғи билан адо этибгина қолмай, барча топшириқларни аъло сифат билан бажаришга ҳаракат қилади.

«Узстальконстр у кция» трестининг В. Часовников бошлиқ бригадаси Тошкент трактор заводи ишлаб чиқаришда зарбдорларча меҳнат қилмоқда. Алюминий қуймалари цехини монтаж қилаётган пешқадам коллектив шу кунларда плантопшириқларини графикдан ўзиб адо этяпти.

СУРАТЛАРДА: С. Егоров; В. Часовников бригадасининг юксак малакали монтажчиси В. Лопитько.

И. Заравшанский фотолари.

Мусобақани авж олдириб

11-«Висотстрой» трестига қарашли «Спецжелезобетонстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг Мухтор Ҳабибуллаев бошлиқ бригадаси КПСС XXVII съездн шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб юборди. Коллектив илғор меҳнат коллективларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, съезд шарафига ўз зиммасига юксак социалистик мажбурият олдн. Шу кунларда бу мажбуриятни муваффақиятли адо этиш учун суръатга суръат қўшиб ишламоқдалар. Ҳабибуллаевчилар шу йилнинг 1 декабригача йиллик планни бажариб, планга қўшимча 50 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар.

— Бундан ташқари,— дейди бригадир М. Ҳабибуллаев, — барча резервларни ишга солиб, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаб, меҳнат унумдорлигини аввал белгиланганидек бир процент оширамиз, иш таннархини 0,5 процент қисқартирамиз, тежамкорликни кучайтириб, 40 минг сўмлик иқтисодий самарага эришамиз....

Ҳа, сўзи билан иши бир бўлган қурувчилар ана шу юқорида санаб ўтилган техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича яхшигина натижаларга эришмоқдалар. Улар шу кунларда Ленин проспектида коллектив фойдаланиш учун мўлжалланган ҳисоблаш марказн биносида юксак унум билан меҳнат қилмоқдалар. Бригаданинг А. Шофайзиев, А. Холматов, А. Олифрук, Р. Ким, М. Каримов каби қурувчилари кунлик нормаларини 50—60 процент адо этишиб, бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

С. СУЛТОНОВ.

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ РАПОРТИ

БЕШ ОЙЛИК ПЛАН ТАЙЁР

БУГУН

Ўзбекистон пойтахти индустрияси товар маҳсулотларини реализация қилиш ва саноат буюмларининг асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича беш ойлик планни адо этди.

Ўз меҳнат зафарларини КПСС XXVII съездига бағишлаётган тошкентликлар ой охирига қадар қўшимча равишда июнь ойи шартномаларини ҳисобидан 18 миллион сўмликка яқин машинасозлик, приборсозлик буюмларини, енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат маҳсулотларини, қурилиш материалларини, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқарадилар.

Зарбдор вахтада шаҳарнинг Акмал Икромов, Октябрь, Сергели, Ленин ва бошқа районлари саноат корхоналарининг коллективлари катта муваффақиятларга эришдилар.

КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқида олдинга қўйилган муҳим вазифаларга амалий иш билан жавоб бериб, Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари ўз диққат-эътиборини экономиканинг асосий вазифаларига — ишлаб чиқариш интенсивлигини ошириш, фан-техника тараққиётнинг жадаллаштириш, бошқариш ва планлаштиришни қайта ташкил этиш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашга қаратмоқдадалар.

Меҳнат коллективларида 1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Тошкент меҳнаткашлари оширилган мажбуриятларни шараф билан бажаришга, КПСС XXVII съездини муносиб зафарлар билан кутиб олишга қатъий аҳд қилганлар.

ХАЛҚАРО МАВЗУЛАРДА СУҲБАТ

МАЙ ОЙИДАГИ ДИПЛОМАТИК ФАОЛЛИК

Май ойининг ўрталари фаол дипломатия активлиги билан ўтди ва жаҳондаги вазиятни янада ривожлантиришга чуқур таъсир кўрсатишга даъват этилган бир қатор муҳим халқаро учрашувлар билан нишонланди. Совет Иттифоқи, барча қардош социалистик давлатларнинг мустаҳкам тинчликни таъминлаш мақсадидаги куч-ғайратларни давом эттиришга бу учрашувларнинг характерли белгиси бўлди.

Венада мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисида давлат шартномаси имзоланганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Шуни эслатиб ўтиш керакки, 1938 йил мартида бу мамлакатни гитлерчилар Германияси босиб олган эди. Уруш тугагандан кейин Австрия яна мустақил давлат бўлиб қолди. Бироқ унинг территориясида тўрт ғолиб давлат — АҚШ, Англия, Франция ва СССР қўшинлари турганлиги сабабли буни тўла мустақиллик деб бўлмас эди. Ғарб давлатлари Австрияда ўз қуролли кучлари турганлигидан фойдаланиб, уни НАТОга жалб этиш умидида эдилар. Улар Ғарбий Германияга нисбатан ҳам худди шундай йўл тутган эдилар. СССР бундай шароитда Совет Армияси қисмларини Австриядан бир ёқлама тартибда олиб чиқиб кетиш мумкин эмас, деб ҳисоблади.

Натижада биз НАТОдагиларнинг маккорона режаларини барбод этишга муваффақ бўлдик. СССР Австрия ҳукумати билан бевосита икки ёқлама музокаралар олиб борди ва кейинчалик давлат шартномасининг асоси бўлиб қолган принциплар тўғрисида у билан келишиб олишга эришди. Ғарб давлатлари ён босишга ва ягона Австриянинг доимий бетарафлигини ва бу мамлакатнинг ҳарбий иттифоқларда иштирок этмаслиги ҳамда ўз территориясини бошқа давлатларнинг ҳарбий базалари учун бериб қўймаслигини эълон қилишига розилик билдиришга мажбур бўлдилар.

Венадаги юбилей тантаналари бундан ўттиз йил муқаддам қўшинларн Австрияни тарк этган тўрт давлат ташқи сиёсий маҳкамаларининг раҳбарлари ўртасида суҳбатлар ўтказиш имконини берди. Бу учрашувлар давомида совет томони Европада ҳарбий қарама-қаршилик даражаси камайтирилишига ва қитъадаги барча давлатлар ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг йўлга қўйилишига эришишга интилаётганлигини яна бир бор таъкидлади.

Афсуски, АҚШ давлат секретари Ж. Шульцнинг ўртоқ А. А. Громико билан бўлиб ўтган суҳбат вақтида билдирган фикрлари Америка томони АҚШ маъмурнятининг қуролланиш пойгасини чеклаш фойдасини кўзлаб айтаётган гапларини амалга оширишга тайёр эмас, деб хулоса чиқаришга имкон беради.

Австрия пойтахтидаги суҳбатлар Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар парламентлари вакилларининг қўшни Венгрияда ўтказилган учрашувлари билан бир вақтга тўғри келди. Ана шу учрашувга тўпланганлар Европа ва бутун дунёдаги парламентларга ва парламент аъзоларига мурожаат қилиб, келишмовчиликларга барҳам бериб, ядровий қирилиб кетиш хавфига қарши курашда ёнма-ён ҳаракат қилишга, яллн тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида кенг халқаро алоқаларни йўлга қўйишга қатъий даъват этдилар. Улар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг яқинда иккинчи жаҳон уруши тугаганлигининг 40 йиллиги муносабати билан қабул қилинган «Барча мамлакатларнинг халқларига, парламентлари ва ҳукуматларига» Мурожаатнни табрикладилар. Мурожаат мустаҳкам ва ишончли тинчлик манфаатлари йўлида биргаликда актив ҳаракат қилишга чақиради.

Ниҳоят, шу кунларда Швеция пойтахти Стокгольмда Европада ишончсизликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва қуролсизланишга бағишланган конференция ўз ишини яна бошлаб юборди. Бу конференция қарийб бир ярим йил — 1984 йилнинг январидан буён давом этмоқда. Дастлаб конференция икки босқичда ўтказилади, деб кутилган эди. Биринчи босқичда ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадбирларини муҳокама қилиш ва қабул этиш кўзда тутилган эди. Бу тадбирлар Европада ҳарбий қарама-қаршиликни камайтиришга хизмат қилиши керак эди. 1986 йилга мўлжалланган иккинчи босқичда эса давлатлар қитъада хавфсизлик ва қуролсизланиш соҳасидаги ўз куч-ғайратларини давом эттиришга ёрдам берадиган йўл ва воситаларни қараб чиқиш кўзда тутилган эди.

Бироқ ғарб давлатларининг айби билан конференциянинг биринчи босқичи чўзилиб кетди. Ғарб бизнинг ўзаро ҳарбий куч қўлланмаслик ва тинч муносабатларни сақлаб туриш тўғрисида шартнома тузиш ҳақидаги таклифимизга розилик бермай турибди. Ғарб давлатлари бу таклифга қарама-қарши равишда Европа қитъасидаги бутун ҳарбий фаолият ҳақида қандайдир очиқча гаплашиб олишни, уларнинг ибораси билан айтганда, ана шу фаолиятни «ойдинлаштириб олишни» таклиф этмоқдалар. Қизиғи шундаки, улар Қўшма Штатлар территорияси, денгиз кенгликлари ва АҚШнинг Европадан ташқаридаги ҳарбий базалари «ойдинлаштирилиши» истамаётирлар. Бу ерларда бизнинг мамлакатимизга қарши қаратилган қурол-яроғларнинг асосий қисми тўпланган. Улар жавоб зарбаси қуролларн жойлаштирилган бизнинг территориямизнинг и н а аниқланиши керак бўлган зонага киритмоқдалар. Бундай «ойдинлаштириш» бизга мутлақо тўғри келмайди.

Кўриниб турибдики, олдинда машаққатли кураш турибди. Яллн тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилаётган бу курашни сира бўшаштириб бўлмайди.

А. КРАСИКОВ.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
ЖАМОАТЧИЛИК КОНТРОЛИ
№ 5 (216)

Текшириш лозим, контроль қилиб бориш зарур, ҳар бир текшириш амалий ёрдам келтириши даркор, иш манфаатларига хизмат қилиши лозим.

[Ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг апрель [1985 йил] Пленумидаги докладидан].

• КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ АПРЕЛЬ (1985 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ— ҲАЁТГА!
• НАЗОРАТ ТАЪСИРЧАНЛИГИ ОШМОҚДА
• МУҲИМ МАСАЛА— МУҲОКАМАДА
• НУҚСОНЛАРГА МУРОСАСИЗ БЎЛАЙЛИК

• Иш тажрибасидан

САЙЁР ЙИҒИЛИШ САМАРАСИ

Одатда, халқ назоратчилари барча текширишларни жойларга бориб ўтказадилар. Аммо, у ёки бу масалаларни муҳокама қилишда, текшириш якунларини кўришда бошланғич партия ташкилоти, халқ контроли группаси билан биргаликда халқ контроли комитетининг сайёр йиғилишини ўтказиш жуда кам учрайди. Ҳолбуки, бунинг самараси катта бўлади.

«Средазэлектроаппарат» бирлашмаси халқ контроли группаси Ленин район ошхоналар трестига қарашли 2-ошхона ишидаги жиддий нуқсонлар тўғрисида комитетга хабар берди. Бирлашма ишчиларидан бундан аввал ҳам халқ контроли комитетига озми-кўпми шикоятлар тушиб турар эди.

Биз ошхона ишидаги жиддий бузилишларга барҳам беришга аҳд қилдик. Текшириш ўтказдик. Ҳақиқатан ҳам кўпгина нуқсонларни аниқладик. Масалан, котлет тайёрлаш технологияси бузилган. Овқатлар сифатсиз тайёрланган. Идиш-товоқлар, столлар ва ошхона хизматчиларининг озодагарчилигига мутлақо риоя қилинмайди.

СПКТБЭ ошхонасида овқатлар мўлжалдагидан анча кам тайёрланиб келинган. Чойхонада эса текширириш кунида тушки вақтнинг дастлабки ўн минути ичидаёқ лағмон ва бошқа овқатлар тамом бўлган эди.


Назоратчилар ошхона омборига киришди. У ерда ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб ётарди. Картошка сабзи билан аралаш. Холодильник тозаланмаган. Ундан ёқимсиз ҳид чиқиб турар эди. Биз кўпчилик хўрандалар билан суҳбатлашдик. Улардан тайёрланаётган овқатлар мазасини сўрадик. 76 хўрандадан 69 нафари овқатларнинг маза-матраси йўқлигини айтишди.

Тушлик овқатлар рационини ўрганиш шуни кўрсатдики, овқатларнинг калорийсига риоя этилмайди.

Бошқа кўпгина нуқсонлар ҳам аниқланди. Буларнинг ҳаммаси тўғрисида биз қўшма йиғилишда айтиб ўтдик. Ягона хулоса шу бўлдики, ошхонада интизом ҳар жиҳатдан бузилган. Меҳнат интизоми ҳам, технологик интизом ҳам. Ленин район ошхоналар трести эса ошхона ишчиларининг иши устидан назоратни бўшаштириб юборган. Қўшма йиғилишда бирлашма раҳбарлари шаънига ҳам кўпгина эътирозлар билдирилди.

Партия, касаба союз ташкилотлари ошхона иши устидан доимий назорат ўрнатишлари лозим. Бирлашма раҳбарлари ҳам бу муҳим ишдан четда қолмасликлари керак, Меҳнаткашлар тўғрисида ғамхўрлик қилишга доимо биринчи галда эътибор бериш зарур.

К. ЖЎРАЕВ,
Ленин район халқ контроли комитетининг раиси.



Тошкентдаги «Промсвязь» тажриба заводи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар мунтазам бюртмачилар томонидан юқори баҳоланмоқда. Заводда тайёрланаётган радио ва телефон аппаратлари сифатли бўлишида халқ назоратчиларн қўшаётган ҳисса айниқса салмоқлидир. Завод халқ назоратчиларн мунтазам текширишлар ўтказишиб, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор беришяпти. Завод цехларида брак маҳсулот ишлаб чиқармаслик учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилинмоқда.

СУРАТДА: халқ назоратчилари группасининг аъзолари А. Дубавиков ва Х. Тўлахўжаевлар тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришяпти.

• Ветеранлар талабига эътибор

Узоқ кутилган қўнғироқ

Ҳа, телефон узоқ вақтгача жиринглламади. 1984 йил 25 ноябрда Улуғ Ватан уруши қатнашчиси С. И. Ковалев инҳоят енгил тортгандек бўлди. У телефон ўрнатиш ҳақини тўлади. Энди бутун ташвишлари орқада қолганига ишонарди. Лекин бундай бўлмади. Шаҳар халқ контроли комитети бу ишни ўз назоратига олди. Март ойида ҳам телефон ишлагани йўқ. Инҳоят яқинда телефон тилга кирди...

Ўтган икки йил ичида Тошкент шаҳар телефон тармоқларн Бош бошқармаси ветеран ва ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига 6,5 мингдан зиёд телефон ўрнатиб бердн. Бироқ, бу муаммо ҳанузгача узил-кесил ҳал этилган эмас. 3,5 мингдан зиёд уруш ветеранлари телефонга навбатда туришибди. Барча ветеранларга телефон туширнб берилмаётганлигининг асосий сабабн шундаки, автомат-телефон станцияларн бинолари қурилиши планларн бажарилмаяпти, линия иншоотларн ва ндора ичидаги тармоқлар йўқлиги сабаб бўляпти.

Халқ контроли комитетида алоқачиларнинг ёмон ишлаётганлиги устидан ветеранлар йўллаган шикоятлар каттагина папканн ташкил этади. Бу сигналлар мавжуд муаммонн синчиклаб ўрганиш ва муҳокамага қўйишга сабаб бўлдн.

Биз текширш жараёнида телефон ўрнатишдаги, бузилган телефонларни тузатишдаги кўплаб сансалорлик ҳолларига дуч келдик. Уруш ивалидлари, қатнашчилари, ҳалок бўлган жангчилар оилаларининг аъзолари шаҳарнинг турли бурчакларидан Тошкент шаҳар телефон тармоқларн Бош бошқармасига бир неча бор келиб кетишга мажбур бўлганлар. Абонент бўлнмн хоналарнда соатлаб вақтларнни йўқотганлар. Уларга ҳамиша ҳам самимий муносабатда бўлнавермаган, арзи-додига ҳамиша ҳам қулоқ солишавермаган. Шунинг учун ҳам С. И. Ковалев партия ва совет органларига мурожаат этишга мажбур бўлган, шундагина бу масала ҳал этилган.

1979 йилда уруш ивалидн А. Азимовга телефон туширнб берилдн. Техника нормаларнни бузган ҳолда унн газ қувурига бойлаб ўрнатиб бершдн. Беш йил мобайнида телефон кўп вақтлар ишламади. Ҳолбуки, у бир неча бор Ҳамза район алоқа узелига шикоят қилган эдн. Фақат бизнинг аралашувимиздан кейингина телефон снмн нормага мувофиқ монтаж қилиндн. Ҳозир эса телефон нормал ишлаб турибдн. Уруш қатнашчнси И. Мирзаевнинг телефонн ўн бир ой, В. Г. Поляковнкн олтн ой, В. В. Акуловнкн эса салкам иккн ой ишламадн.

Сансалорлнкнинг асосий сабабн аслнда интизомсизлик, раҳбарларнинг ходимларга талабчанлнги, масъулнятн йўқлнгидандир.

Комитет йнғилишида айбдорлар жазоланди. Ҳознр уруш қатнашчнларн ва нвалидларнннг шикоятларнга алоқачнлар ўз муносабатларнни ўзгартирдилар. Тўғрн, ҳамма ташвншлар орқада қолдн. Аммо бизда шундай бнр савол туғилдн: наҳотки шу масаланн ҳал этнш учун халқ контроли комитетнннг текширншнн ва муҳокамасинн кутнш зарур бўлса! Биз бусиз ҳам внждонан ва ҳалол ишлашнн ўрганишимиз, касбимизнн шарафлашимиз лозим. Токи кишилар бундай шикоят қилиб юрмасинлар.

В. АВДЕЕВ,
Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг штатсиз ходими.

• Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари қандай бажарилмоқда?

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...

«...Кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш ҳамда давлат тартибини бошқа тарзда бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши муросасиз курашни кучайтириш зарур».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми материалларидан).

Моддий ресурсларни аниқ ҳисобга олиш ва сақлаш, ўрнатилмаган дастгоҳ ва ускуналарни тўғри ҳисобга олиш — умуман ҳисобкитоб ишларини йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга.

Афсуски, ҳали шундай корхона ва ташкилотлар борки, уларнинг раҳбарлари бу ишнинг аҳамиятини чуқур тушуниб етмаётирлар.

Масалан, 65 корхона ва ташкилот иши текширилганда шундан 32 тасида ўрнатилмаган дастгоҳлар миқдорн нотўғри кўрсатилган, 18 тасида эса фонд интизоми бузилганлиги аниқланди. Уларда ҳаммаси бўлиб, 49 та ўрнатилмаган дастгоҳ ҳисобга киритилмаган. Бошқача қилиб айтганда 1135 минг сўмлик ўрнатилмаган дастгоҳ камайтириб кўрсатилган. Кўплаб қора металл, пўлат қувурлар, металл буюмлар, кабель буюмлари, лак-бўёқлар ва бошқа материаллар ҳисобга киритилмаган.

Конкрет фактларга мурожаат қилайлик. Тошкент экскаватор ремонти тажриба-механика заводида ўрнатилмаган дастгоҳларни рўйхатга олиш натижалари бўйича ҳисоботни кечиктириш одат тусига кириб қолган. Ҳисоботга олтита конвейер, пайвандлаш аппарати, қуюв дастгоҳи киритилмай, яшириб қолдирилган. Аксинча, 1979 йилда ҳисобдан чиқарилган 800 сўмлик иккита насос ҳисоботга қўшиб ёзилган. Ҳолбуки, аслида бу насослар омборда ётган. Материалларни рўйхатга олишда ҳам кўзбўямачиликка йўл қўйилган. Жами 13,2 минг сўмлик рангли металлар чиқиндилари, линолеум ва бошқаларни ҳисоботга киритиш «унутиб қолдирилган». Шунингдек 242 сўмлик подшипниклар ҳам негадир рўйхатга киритилмаган.

Заводда бухгалтерия маълумотларини тайёрлаш ва омборхона ҳисоб-китобларини юритишда масъулиятсизлик ҳоллари ҳукм суриб келган. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумининг ҳисоб-китоб ишларини юритишдаги масъулиятни янада ошириш борасида қўйган талабларига мутлақо жавоб бермайди. Бу ерда материалларни турлари бўйича аниқ ҳисоб-китоб қилишга етарлича эътибор қаратилмаган. Очиғини айтганда, корхона бухгалтериясидаги ҳисоб-китоб ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган...

Заводда фонд интизомини бузиш ҳолларига йўл қўйилган. Масалан, ҳеч қандай рухсатсиз ўтган йили 467 сўмлик пўлат тунука ва 60 сўмлик ёғоч четга оширилган.

«Ирмонтажст р о й» трестининг УПТК базасида саккизта ўрнатилмаган дастгоҳ мутлақо «ёдларидан кўтарилиб кетибди». 1975 йилдан бошлаб сақланиб келинаётган бу 8,5 минг сўмлик дастгоҳларни тегишли жойга юбориш узоқ вақт ҳеч кимнинг «хаёлига келмабди».

Санитария-техника ускуналари заводи ҳам юқоридаги ташкилотлар билан «мусобақалашган». Бу ерда 1378 сўмлик иккита пайвандлаш машинаси ва иккита автомобиль кондиционери (унинг қиймати эса 3522 сўм) рўйхатга киритилмаган.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, экономикани, интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, барча ресурслардан, жамики ички резерв ва имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишга ҳаракат қилиш зарурлиги уқтириб ўтилган эди. Юқорида номлари тилга олинган корхоналарда материал ва дастгоҳларни яшириш, яъни кўзбўямачилик билан машғул бўлган шахслар тегишли жазосини олди. Моддий ресурсларни ва ўрнатилмаган дастгоҳларни рўйхатга олишнинг белгиланган тартибини бузганликлари учун экскаватор ремонти заводининг директори И. Р. Шарофиддинов, унинг ўринбосари К. Г. Шекка шаҳар халқ контроли комитети виговор берди, «Ирмонтажстрой» трестининг УПТК бошлиғи Н. Х. Саидовга, санитария-техника ускуналари заводининг директори Б. А. Алимовга юқорида йўл қўйилган нуқсонлари учун танбеҳ берилди.

Халқимизда касални яширсанг, исптмаси ошкор қилади, деган яхши бир мақол бор. Зора, бу корхоналар раҳбарларининг иситмаси жазо чораларидан кейин тушиб, кўзлари очилса.

Ҳ. АБРОРОВ.



Коммунистик меҳнат зарбдорн, тажрибали ишчи Николай Гаврилович Филимонов Тошкентдаги экскаватор ремонти тажриба заводида фидокорона меҳнат қилади. Мана йнгирма етти йилдирки, тажрибали ишчи ўз касбини ардоқлаб келмоқда. Коммунист Н. Г. Филимонов халқ назорати группасининг аъзоси сифатида ҳам ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозонган. У тез-тез халқ назоратчилари томонидан ўтказилаётган рейдларда қатнашиб туради. Юз бераётган камчиликларни рўйи-рост очиб ташлашда тажрибали ишчининг ўрни айниқса, салмоқлидир.

СУРАТДА: актив назоратчи Н. Г. Филимонов.

М. Нуриддинов фотолари.

... 1985 йилнинг уч ойида «Таштекстильмаш» заводидан 19 киши ҳушёрхонага тушди. 12 киши кайф ҳолда майда безорилик қилгани учун қўлга олинди. Ўтган йили ҳушёрхонага тушганлар ўн учинчи маошдан маҳрум этилди.

...«Ташсельмаш» заводининг 1-цехи сараловчиси Любовь Григорьевна Кузнецова қатиқ кайф ҳолида қўшнисини бритва билан оғир жароҳатлаган. У тўрт йилга ҳукм қилинди.

... Собир Раҳимов райпишчеторгидаги 43-магазин сотувчиси Ҳ. Ҳамбаров 165-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Славик Рябихга бир шиша «Зарафшон» виносини сотган.

...Савдо жиҳозлари заводнда «Меҳнат интизоми тўғрисида» мавзуида очиқ партия йиғилиши бўлиб ўтди. Эртаси куни эса жами ҳодимларнинг 6 процентн ишга кечикиб келган....

• Шаҳар халқ контроли комитетида

ИЧКИЛИК КАСОФАТИ

ТЕКШИРИШ ПРОТОКОЛЛАРИ ДАН

Шаҳар халқ контроли комитетида «Халқ назоратчилари Бутуниттифоқ кенгаши талаблари асосида шаҳар саноат корхоналарида жойлашган магазинларда спиртли ичимликларни сотиш қоидасига риоя қилиш ва саноат корхоналари раҳбарларининг ичкиликбозлик ва прогулчиларга қарши кураш бўйича кўраётган тадбирий чоралари натижалари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди.

Халқ назоратчилари шуни таъкидлашдики, шаҳарнинг айрим саноат корхоналарида ичкиликбозликка, прогул ва бошқа меҳнат интизомини бузишларга қарши зарур кураш олиб борилмаяпти. Масалан 10-авторемонт заводида бу иш қониқарсиз олиб бориляпти. Ҳушёрхонага тушган 13 кишидан коллектив ўртасида бориўғи учтаси муҳокама этилган, холос. Органларнинг ахборотларига эса жавоб берилмаяпти. Бу шуни кўрсатиб турибдики, милиция завод коллективига ҳушёрхонага тушганлар тўғрисида хабар берса ҳам корхонада бунга лом-мим дейишмаяпти, кўрилган чоралар ҳақида маълум қилишмаяпти.

«Узторгоборуд о в а ние» комбинатининг ичкиликбозлари ва прогулчилари хатти-ҳаракатларига коллектив етарлича баҳо бермаётир. «Таштекстильмаш» заводида ўтган йили ва шу йилнинг биринчи кварталида бир неча ходим ҳушёрхонага тушган. Бу вақт ичида бу ерда 238 прогул содир бўлган, 585 киши-куни йўқотилган, икки мингдан зиёд меҳнат интизомини бузиш ҳолларига йўл қўйилган. Заводнинг иккита ётоқхонаси кўримсиз, тарбиячилар билан тўла таъминланмаган. Бу ерда ички тартиб-интизомга риоя этилмаяпти, тез-тез спиртли ичимликлар сотилмоқда.

«Ташсельмаш» заводи ётоқхоналарида ичкиликбозлик безорилик ва бошқа жиноятлар содир бўлишига олиб келмоқда. Бу ерда ўн икки киши жиноий жавобгарликка тортилган. 4-ётоқхона икки йил мобайнида тарбиячилар билан таъминланмади.

Прогулларнинг, ишга ва жамоат жойларига ширакайф ҳолда келишга, шаҳар халқ контроли комитетининг мажлисида қайд этиб ўтилганидек, савдо ташкилотлари томонидан аҳолига спиртли ичимликлар харид қилиш қоидаси қўпол суратда бузилаётгани сабаб бўляпти.

Шаҳар саноат корхоналари ёнидаги магазин ва ошхоналарда спиртли ичимликлар сотиш қоидалари қўпол суратда бузилаётгани ҳам текширишда аниқланди. Собир Раҳимов район ошхоналар трестига қарашли 1 ва 10-ошхоналарда, Собир Раҳимов райпишчеторгига қарашли 56, Куйбишев ошхоналар трестига қарашли 28-ошхоналарда, Куйбишев райпишчеторгига қарашли 44, «Ташгоркоопторг» га қарашли 9-магазинларда спиртли ичимликлар тегишли рухсатсиз сотилган. Баъзи магазинларда ўткир спиртли ичимликлар тақиқланган вақтларда сотилган. Баъзи жойларда эса пиво сотилган, дўконлар ёки магазинларнинг ёнида ичкиликбозлик ҳоллари содир бўлган.

Йўл қўйилган нуқсонлар учун айбдор бўлган завод директорларидан тортиб магазин мудирлари ва сотувчиларгача қаттиқ жазоланди.

РАЙОНЛАРДАН ХАБАРЛАР

Киров райони

Киров район халқ контроли комитети район партия комитетининг топшириғига кўра халқ контроли группалари билан биргаликда район корхона, ташкилот ва муассасаларн ошхоналари ишини ва меҳнаткашларнинг сабзавотдан қилинган таомлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан қандай таъминланаётганлигини текширди.

Маълум бўлишича, барча ошхоналарда ҳам сабзавотдан тайёрланаётган таомларнинг турлари кўп эмас. Масалан «Ўртоқ» кондитер фабрикасида менюда кўрсатилган сабзавот таомлари тўла тайёрланмайди. Сут, қатиқ билан таъминлаш ҳам етарлича эмас. Физика-техника институти, «Узгипротехбит» институти, Тошкент алоқа электр-техника институти ва бошқа корхоналарнинг ошхоналарида ҳам шундай камчиликлар борлиги аниқланди. Текширишдан ўтказилган еттита мактабгача тарбия болалар муассасасида сабзавотдан қилинган таомлар билан таъминлаш асосан қониқарли аҳволда эканлиги таъкидланди. Айни пайтда «Ташгосснабнинг база ва магазинлари уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ҳамиша ҳам тўла қондиролмаётир. Текшириш материаллари кўриб чиқиш учун Киров район партия комитетига берилди.

Ленин райони

Район савдо корхоналарида совет савдоси қоидаларига асосан риоя қилинаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бироқ, шу билан бирга айрим савдо ходимлари ҳам борки, улар харидорлар ҳақига хиёнат қилмоқдалар. Масалан, 19-магазинда, ОРСНОД-1 га қарашли 5/1 магазини, 31-магазин, ОРС-НОД-1 га қарашли 8-магазин, 4-магазин, 9-магазин, 25-магазин, 2-магазинда бир қатор нуқсонлар очиб ташланди.

19-магазин мудири А. Мусаевга қаттиқ виговор берилди. ОРС-НОД-1 га қарашли 5-магазин мудири Т. Ҳасанов вазифасидан четлаштирилди. 31-магазин мудири Ш. Шомуротов вазифасидан олиб ташланди. ОРСНОД-1 га қарашли 8-магазин мудири Т. Султоновага танбеҳ берилди. 4-магазин мудири М. Умарова, 9-магазин мудири Я. Умеров, 2-магазин мудири А. Абдураҳмоновга эса виговор берилди.

Октябрь райони

Район аҳолисига медицина хизмати кўрсатиш бўйича медицина муассасалари иши кўриб чиқилди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни ташкил этиш, иш режимини тартибга солиш бўйича муайян ишлар қилинганлиги таъкидланди. Шу билан бирга 22, 18-поликлиникаларда беморларга хизмат кўрсатиш ишида бир қатор нуқсонлар аниқланди. 1-болалар касалхонасида, 4-юқумли касалликлар касалхонасида беморларни дори-дармонлар билан таъминлашда етишмовчиликлар мавжуд. 2-болалар уйи, 7-болалар санаторийси ва 1-болалар касалхонасида санитария-гигиена режими бузилмоқда. 1-болалар касалхонаси ва 4-юқумли касалликлар касалхонасида масалликни кам солиш ҳоллари учрамоқда.

Болаларга медицина хизмати кўрсатишда йўл қўйилган нуқсонлар учун 1-болалар касалхонасининг бош врачи И. Ш. Тўхтаевага қаттиқ виговор берилди. Район соғлиқни сақлаш бўлими 2-болалар уйининг бош врачи А. Жалилов, 18-болалар поликлиникасининг бош врачи С. Қосимова, 2-юқумли касалликлар касалхонаси бош врачи Х. Мунавварова-вага йўл қўйган нуқсонлари учун бундан аввал виговор берган эди.

Мавжуд нуқсонларга бутунлай барҳам бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Собир Раҳимов райони

«Ташплодоовошч» улгуржи-чакана савдо идораси 1984 йилда тайёрлаш планини 107,6 процент қилиб бажарган эди. Бироқ, бодринг, картошка, узум, полиз маҳсулотлари бўйича планлар бажарилмади. Халқ контроли комитети тайёрланган маҳсулотларнинг қандай сақланаётганлигини текширди.

Текшириш кунида «Ташплодоовошч»» омборларида аҳоли эҳтиёжидан анча кўп миқдорда сархил сабзавот, тузланган карам ва помидор борлиги аниқланди. Харид йўқлиги сабабли ана шу маҳсулотлардан 330 тоннаси омборларда ётарди.

Бинобарин, «Ташплодоовошч» магазинлари орқали 1984 йилда аҳолига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планлари ой сайин бажарилмай келди. Йилнинг иккинчи ярмида эса реализация плани ҳатто 50 процентга тушиб қолди. Тайёр маҳсулотлардан 411,77 тонна сабзавот ва мевалар чиқиндига чиқариб ташланди. 1984 йилдаги зарар пландаги 88 минг сўм ўрнига 225,6 минг сўмни ташкил этди. 1, 9, 20-магазинлар айниқса ёмон санитария аҳволида. «Ташплодоовошч» улгуржи-чакана савдо идораси директорининг ўринбосари Х. Йўлдошевга виговор берилди ва 160 сўм миқдорида жарима солинди. Шунингдек бошқа айбдорларга ҳам жазо берилди.

Фрунзе райони

Район халқ контроли комитетида 4-нон заводида ишлаб чиқарилаётган нон-булка маҳсулотларининг сифатсизлиги тўғрисидаги текшириш материаллари кўриб чиқилди. Нон цехи смена мастери Р. В. Ваҳобовнинг назоратни бўшаштириб юборганлиги оқибатида обн-нонлар сифатсиз тайёрланган: куйиб кетган ёки хом пишган, қинғир-қийшиқ чиққан. 1984 йилда ҳам шундай бўлган эди. Фақат Фрунзе райпишчеторгининг ўзигина 4 минг килограммдан зиёд нонни брак қилган ва қайтариб юборган эди. 1985 йилнинг биринчи кварталида эса 1048 килограмм нонни брак қилди. Аҳоли эътирозига сабаб бўлаётган сифатсиз нон тайёрлаш ҳоллари билан завод директори Я. С. Симма муроса қилиб келган, айбдорларга конкрет чоралар кўрмаган.

4-нон заводининг директори вазифасини бажарувчи (бош инженер) Б. С. Исроиловга виговор берилди. Шу йилнинг 11 апрелида нон тайёрлашда айбдор бўлган барча шахслар жавобгарликка тортилган эди. Агар Б. С. Исроилов ҳам мавжуд аҳволни келгусида тузата олмаса, уни вазифасидан четлатиш даражасигача қаттиқ чора кўрилиши айтиб ўтилди. Унга 170 сўм миқдорида пул жаримаси солинди.

Назоратчилар ўқуви

ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

Тошкент шаҳар халқ контроли комитети қошидаги шаҳар ва район комитетларининг штатсиз активи учун доимий ишловчи семинарнинг машғулоти бўлиб ўтди. Шаҳар план комиссияси раисининг ўринбосари Л. М. Бельковская Тошкент шаҳрини социалиқтисодий ривожлантириш планини бажаришнинг бориши тўғрисида гапириб берди. Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг план-молия органлари бўлимининг мудири Г. Г. Николаеня план-молия интизомига риоя қилиш устидан назорат олиб боришнинг форма ва методлари ҳақида лекция ўқиди. Акмал Икромов район халқ контроли комитетининг раиси О. В. Валихонов штатмолия интизомини мустаҳкамлаш бўйича район халқ контроли комитетининг иш тажрибаси ҳақида сўзлаб берди.

Доимий ишловчи семинар тингловчилари план ва молия интизоми устидан назорат ўрнатиш ва унга риоя қилишни ташкил этиш тажрибаси билан ғоят қизиқиб танишдилар. Фрунзе район халқ контроли комитетининг раиси Б. Б. Файзуллаев, Тошкент Давлат медицина институти халқ контроли бош группаси бюросининг аъзоси Т. Н. Илёсова, Куйбишев район халқ контроли комитетининг штатсиз бўлими мудири Р. А. Пискунов иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.



ФОТОАЙБНОМА

Бу суратни кўрган оқшомхон бу ерда бирон тошқин рўй берган бўлса керак, деб ўйлаши табиий, албатта. «Тошкент оқшомчи»га Чилонзор кўчасидаги 3-уйда истиқомат қилувчи М. Красянский, Ф. Тюменев, З. Маърупов ва бошқалар хат йўллашиб, унда анчадан буён номаълум сабабларга кўра уй ичидаги йўлканн донм сув босиб ётишн ҳақида хабар қилишган. 2-ЖЭК бошлиғи В. Ким ўзидан олдинги бошлиқ сингари бирон чора кўришга шошилмаяпти. «Водоканал» трестининг авария хизмати ходимлари эса бу аҳволни таҳлил этишмаяпти.







Ҳушёрлик — ҳаётимиз тарзи

• Тошкент—янгича анъаналар шаҳри

ТЎЙ ИЧКИЛИКСИЗ ЎТДИ



Гўзал ва навқирон Тошкентимиз жамолига тўй ярашади. Бу ерда бир кунда ўнлаб, юзлаб ўтаётган никоҳ тўйлари-ю, ҳовли тўйлари турмушимиз нақадар фаровонлашиб бораётганлигини исботлаб турибди. Эрта тонгдан «Бахт уйи»ларининг атрофи бахтиёр келин-куёвлар билан тўлиб кетади. Улар никоҳ гувоҳномасини қўлларига олишгач, оталар анъаналарига содиқ қолиб Ленин номли майдон томон йўл олишади, Ленин ҳайкали пойига ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйишади. Бунинг катта рамзий маъноси бор, албатта. Бу аввало Ленин ва унинг ишига садоқат, урушда ҳалок бўлган жангчиларимиз хотирасига садоқат рамзидир.

Ёшлар партиямизнинг жанговар ёрдамчилари эканликларини ҳар бир қадамда исботлашмоқда, партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатма ва қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Яқинда қабул қилинган КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори барча қатори ёшларимиз томонидан ҳам самимий кутиб олинди ва қўллаб-қувватланди. Эндиликда кўпгина тўйларимизнинг ичкиликсиз ўтаётганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Биз бугун мана шундай тўйлардан бири ҳақида оқшомхонларга ҳикоя қилмоқчимиз.

Куёв-келин кириб келиши билан катта зал бир зумда гавжум бўлиб кетди. Ингит-қизлар ҳавас билан уларга тикилишар, қариялар эса икки ёшга бахт-саодат тилашарди. «Тўйлар муборак» қўшиғи садолари остида бугунги висол оқшомининг сабабчиларини давра тўридан жой олишди. Залга бир зум осойишталик чўкди.

Тўй оқшомини олиб борувчи ёш йигит ўртага чиқди. У кечани очиқ деб эълон қиларкан, куёв Фариджон ва келин Гулнорахонларни бугунги унутилмас кун билан табриклаб, навбатни санъаткорларга берди. Зални қўшиқ садолари босиб кетди. Енимизда ўтирган кексароқ икки кишининг суҳбати бенихтиёр диққатимизни ўзига тортди:

— Мамасодиқ, қара, қандай ажойиб замон, бунақа файзли тўйларни биз кўрмадик, фарзандларимиз кўрсин.

— Эй дўстим, даврамиз гўзал, турмушимиз фаровонлашиб боряпти. Дастурхоннинг тўкинлигини кўрмайсанми, одамнинг баҳри-дили очилади-я.

— Мени бир нарса жуда қувонтираяпти, — деди иккинчи бир кекса, — тўй ичкиликсиз, жудаям файзли ўтаяпти. Ичкиликбозлик бўлган тўй дилснёҳлик билан тугаганини кўп кўрдик.

— Бунақасини ҳеч ким тасаввур қилмасди дегин.

— Ҳа-да, мана ичкиликсиз тўй қилса бўларкан-ку. Ҳеч кимнинг кўзи шиша қидирмаяпти ҳам, бирор киши тўйни ташлаб чиқиб кетмаяпти ҳам.

Турли ноз-неъматлар тўла столларга кўз югуртирдик. Чиндан ҳам бирор жойда спиртли ичимлик кўзга ташланмасди. Меҳмонлар олдида «Тошкент» суви, пепсикола, лимонаднинг турли хиллари, ширин-шакар шарбатлар!..

Давра тўридаги келин-куёв эса ёшларга бахт ва толе берган бахтиёр замонамиздан жуда миннатдор. Бунга биз улар билан тўй олдидан суҳбатлашганда тўла ишонч ҳосил қилдик.

Куёв — Фарид Камолов асли тошкентлик. У институтни тугаллаб Қаршига йўлланма олган. «Шўртангаз» саноати корхонасида участка бошлиғи бўлиб ишлайди. Келин — Гулнора Мустафоева Тошкент Давлат медицина институтини тугатиб комсомол йўлланмаси билан Қаршига жўнаб кетган. Ҳозирда у шаҳар туғруқхонасида болалар врачи бўлиб ишлаяпти.

— Гулнора билан танишганимизда студент эдик. 4-курсда ўқирдик, — дейди Фарид, — бир йил давомида бир-биримизни синадик. Қўлимизга диплом олган кунимиз онла қуришга аҳд қилдик. Лекин туй ўтказиш, мустақил ҳаёт бошлаш учун биз ҳали тайёр эмасдик. Шу туфайли тўйни бир йил кечиктиришга мажбур бўлдик. Аҳдлашиб иккаламиз Қаршига жўнаб кетдик. Ҳалол меҳнат бизга бахт келтирди. Ниҳоят орзиқиб кутилган кунларга ҳам етиб келдик. Бугун биз учун энг бахтли кунлардан бири. Чунки дўстлар, яқинлар, ота-оналаримиз даврасида тўйимиз ўтяпти.

Тўй — замонамиз кўрки, фаровонлик белгиси. Лекин баъзилар буни бошқача тушунишади. Улар тўй баҳона ўзларининг кимликларини кўрсатиб қўймоқчи бўлишади. Черняевка қишлоғида бўлиб ўтган бир тўй тафсилоти сира эсимдан чиқмайди.

